



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 159 (9.962)

2003 йил 14 АВГУСТ

• 2003 — ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

**XVI сарфоси**  
Барча маълумотлардан  
олинган сўнгги хабарлар

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари,  
Ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган учрашувимизни ва Сиз томонингиздан изҳор этилган меҳмоннавозлиқни мамнуният билан эслаймиз.


Шу пайтгача Германия ва Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш жараёнига муҳим ҳисса қўшдилар.

Лекин сайёи-харакатларимизни сувайтирмаслигимиз лозим. Афғонистонда ҳали барқарор тинчликка эришилгани йўқ.

Германия ва Нидерландия ярим йил муддатга Афғонистонда Хавфсизликка кўмаклашиш халқаро кучлар кўмондонлигини қабул қилди. Бу Ўзбекистоннинг фаол қўллаб-қувватлаши, хусусан, Термиздаги авиабазани фойдаланишга бергани тўғрисида сўз бўлди. Бу учун Сизга самимий ташаккуримни изҳор этмоқчиман.

Бизнинг ҳамкорлигимиз нафақат Афғонистонда, балки бутун минтақада тинчлик ва барқарорликни тиклашга хизмат қилади. Айни пайтда у бизнинг самимий муносабатларимиз ва ўзини оқлаган Германия -Ўзбекистон дўстлигининг ифодасидир.

Хурмат ила,  
Герхард Шрёдер  
Германия Федератив Республикаси  
Федерал Канцлири  
Берлин шаҳри, 8 август 2003 й.



## «Обод маҳалла йили» дастури: жорий ишлар таҳлил қилинди

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Обод маҳалла йили» дастури бажарилишининг боришига бағишланган йилгилик бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, «Обод маҳалла йили» дастурини амалга ошириш бўйича тuzилган комиссия аъзолари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари иштирок этди.

Жорий йилнинг ўтган етти ойида «Обод маҳалла йили» дастурининг бажарилишида самарали натижаларга эришилди. Жумладан, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш бўйича 2625,0 миллион сўм маблағ ва 7022,2 миллион сўм кредит ажратилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун бир минг 463 кам таъминланган оилага 1000,4 миллион сўм маблағ ажратилди. Кичик ва ўрта бизнес соҳасида 100 минг 961 янги иш ўрни яратилди.

Масалан, Қашқадарё вилояти Чирочик тумани «Чувуллок» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳасан Ерпакаев ўз маблаг ҳисобидан янги, замонавий маҳалла гузарни қурилишида алоҳида ташаббус кўрсатди. Маҳаллада иккита бичиш-тикиш цехи шунга туширилди, болалар спорт майдончаларини қуриш ишлари учун ўз маблагини сарф этди. Тошкент вилояти Қўбрай тумани «Ерарик» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раим Арслонов ташаббус билан «Маданият» маҳалласи учун куриб битказилган янги идора халққа хизмат қилмоқда. Ҳозир ушбу маҳаллада аҳолига маиший кўмак кўрсатиш шохобчаси барпо этилмоқда. Ушбу иншоот мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида ишга туширилди.

Мамалякатиимизда ўтган давр ичида 46 қишлоқда ичимлик суви учун 262,9 километр қувур ётқизилди, 39 қишлоқ табиий газ билан таъминланди.

Кам таъминланган оилалар ижтимоий муҳофазасини кўчайтириш ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш «Обод маҳалла йили» дастурининг устувор йўналишларидан биридир. 124,4 минг нафар кам таъминланган оила нафақа сўраб мурожаат қилган бўлса, шуларнинг 104,9 минг нафарига нафақа тайинланди. 33,5 минг нафар фуқарога 639,2 миллион сўм миқдорда ишсизлик нафақаси тайинланди, 453 нафар ишсиз фуқаронинг оиласига 3,5 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, «Обод маҳалла йили» дастури иж-

росининг ўтган ойларида кекса авлодга эътибор бериш ва гамиўрликни кўчайтириш, уларни озик-овқат, кир кўйиш воситалари, дори-дармонлар билан беғул таъминлаш, беғул даволанишлари учун катта миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамалякати бўйлаб мутасадди ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилиб «Футболимиз келажаги», «Маҳалла пахлавоилари» ва «Белбоғли кураш» турнирлари ўтказилмоқда. Мусобақаларга 2,5 миллиондан зиёд бола жалб этилиши кутилмоқда.

Йилгиликда ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам учраётганлиги алоҳида таъкидланди. Масалан, Сурхондарё, Навоий, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларида дастуридан айрим бандларни бўйича тегишли ишлар тўлиқ амалга оширилмади. Ҳокимликлар томонидан дастурининг «500 маҳаллада мавзёлар ичидаги 1000 километр йўлни таъмирлаш, асфальтлаш ва обдонлаштириш» тадбири девяри бажарилмаганлиги тўғрисида маҳалла ва мавзёларнинг ички кўчалари таъмирга муҳтож бўлиб қолмоқда.

Маҳаллалар ўртасида «Коммунал хизматлари номуамий тўловчилар» танлови тўғрисидаги Низом» ишлаб чиқилиб, «Маҳалла» газетасида эълон қилинганга қарамай, жойларда танлов жараёнлари суст олиб боришмоқда.

Дастурининг VI бандига кўра 16 ёшгача бўлган болаларнинг барча давлат спорт ишхоналари оқшоналарида спорт машғулотлари билан беғул шўғулланиши таъминланиши лозим эди. Бироқ ушбу йўналишда тарғибот ишлари талаб даражасида эмас.

Йилгиликда «Обод маҳалла йили» дастурини амалга ошириш бўча-тадбирларини янада такомиллаштириш юртимда тегишли вазирлар беғиёлаб олинди.

(ЎЗА)

## ҚИСҚА САТРАДА

□ **ПОЙТАХТИМИЗДА** фаолият юритаётган «Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси сентябрь ойида Москва шаҳрида ўтадиган «Кимё-2003» халқаро кўргазмасида иштирок этишни режалаштирмоқда.

□ **КЕЧА** ўзбекистонлик 15 нафар бемор бола беғул даволаниш учун Германия Федератив Республикасига жўнаб кетди. Ушбу хайрия тадбири Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва Германиянинг «Peace Willage Aint» халқаро ташкилоти ўртасидаги шартномага асосан амалга оширилди.

□ **«ЭКОЛОГИЯ**, оналик ва болалик» мақсадли дастури доирасида кеча «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан хайрия тадбири амалга оширилди. Жамғарма вакиллари Юнусобод туманидаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 5-кўп тармоқли касалхонада ҳамда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг марказий шифонахасида даволанаётган болаларга жами 630 минг сўмлик инсонпарварлик ёрдами сифатида гигиена воситалари, дори-дармон ва ўрин-қўрпа анжомларини тўхфа қилди.

□ **БУГҲН** Собир Раҳимов туманидаги «Истиқлол» уйингоҳида маҳалла усмирлари ўртасида ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» мусобақаси Тошкент шаҳар босқичининг ярим финал баҳслари бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
мухбирларимиз  
хабарларидан.

## Тошкентим — боғу бустоним

### Кўчаларимиз обод ва ораста бўлсин!

Илгари хабар берганимиздек, «Обод маҳалла» дастури доирасида, шунингдек Мустақиллик байрами олди-дан пойтахтимизда бутун республикадаги каби «Обод маҳалла — обод Ватан» шiori остида ободонлаштириш ва тозалик ойлани бўлиб ўтмоқда.

Ободонлаштириш, кўча-ламзорлаштириш, санитар тозалани таъминлаш масалалари умумлаштириб айтганда тегишли тuzилмаларнинг доимий эътиборида бўлиб, бу йўналишдаги фаолият амалий хусусиятга эга, яъни катта кўчалар, майдонлар, шохуқчаларнинг ташқи кўриниши учун жавобгар ва масъуллар мавжуд. Ойлик

кўринишида ободонлаштириш тадбирлари ўтказилишидан аниқ мақсад кўзланиб, бу борда олиб борилаётган ишларни сарҳисоб қилиш билан бирга, ушбу жараёнга кўпчилигини жалб этиш йўли билан ҳар бир хууддини — йўлка, кўча, мавзё, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар атроф майдонларини, ташқи кўринишини обод қилиш, таъмирлаш, саранжом-саришта холатга келтириш натижасида шаҳарларимиз кўрчи янада тоза ва кўркამ бўлиши таъминланади.

## Иқтисодиёт

ЭКСПОРТ  
ҚИЛИНМОҚДА

«Узэлтехсаноат» уюмси тарикибига кирувчи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бозор талабларига жавоб бериши, экспортбоплиги билан алоҳида ўрин тутмоқда.

Шу боисдан ҳам ушбу маҳсулотларга хорижий давлатлардан ҳам буюртмалар сони ортиб бормоқда. Бунга асосий сабаблардан яна бири маҳсулотнинг харидориг турлари ортиб бораётганидир. Жорий йил бошдан бери маҳсулот турлари 11 хилга ошганлиги фикримиз исботидир. Уюшманинг 100 турдан ортиқ маҳсулотлари эса 15 дан зиёд хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Уюшма корхоналари орасида пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Ўзбеккабель» акционерлик жамияти, «Дойче-кабель» кўшма корхоналарининг ҳам ўзига хос ўрни бўлиб, ушбу жамоаларда тайёрланаётган турли хил кабель ўтказгич маҳсулотларининг сифати жуда юқори. «Дойче-кабель» кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган сув ости денгиз кабелларига, айниқса, харидорлар сафи кенгайиб бормоқда.

«КЕЙС»ЛАР —  
ДЕҲҚОН ҚАНОТИ

Бугунги кунда «Кейс» пахта териш машиниси, галла ўриш машинаси, ҳайдов тракторлари далада деҳқоннинг ҳақиқий маддакорига айланган.

Шу боисдан ҳам унинг мададидан пахтакору галлакорлар мамнун бўлишмоқда. 1998 йилда ташкил этилган «ЎзКейстрактор» кўшма корхонасида дастлабки пайларда 100 ва 135 от кучига эга бўлган «МХ» туркумли универсал ҳайдов тракторларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, айна пайтда эса бирмунча мукамаллаштирилган «МХМ-140» русумли тракторлар ҳам тайёрланяпти. 2003 йилда 100 та ана шундай трактор тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Шуниси эътиборлики, тракторлар тайёрлашда ишлатиладиган баъзи бутловчи қисмлар ҳам ўзимизда чиқарилмоқда. Бу маҳсулот таннарини пасатиришда муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш мақсадида «МХМ-140» русумли тракторларнинг баъзи эҳтиёт қисмлари «Ўзқишлоқўжалик машхолдинг» га қарашли заводлар билан ҳамкорликда тайёрланмоқда.

Корхонада тайёрланаётган тракторларни келгусида хорижий давлатларга ҳам экспорт қилиш кўзда тутилган.

ХАРИДОР  
ЭЪТИБОРИДА

Тадбиркорларнинг изланишлари бугунги кунда самара бериб, ички бозоримизни ўзимизда тайёрланган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлашга ҳаракат қилинмоқда.

Шаҳримиздаги «Дероз» хусусий фирмасида хорижий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотлари ана шулар жумласидандир. Харидорлар эътиборини қозонаётган ширинликларнинг тури 25 хилдан ортиқни ташкил этиб, улар чиройли ва бежирим қадоқланиши, мазаси билан асло хорижийкидан қолишмайди.

Жорий йилда хусусий корхонада бир неча турдаги печенье маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳаллий ҳам ашёдан замонавий технология асосида тайёрланаётган ширинликларни кўшни давлатларга экспорт қилиш режаланмоқда.

Дилноза ФИЁСОВА

1. Сиз мустақиллик йиллари ўзингиз яшаётган ва меҳнат қилаётган жойдаги қандай ўзгариш ва янгиланишларни таъкидлар эдингиз?

2. Келажакни қандай тасаввур этасиз?

1. Мустақиллик халқимизнинг дилидаги орзуларини жўш урдириб, эзгу ниятларимизга қанот бўлди. Истиклолнинг буюк неъмат эканлигини, уни мустаҳкамлашга ҳар биримиз қўлимиздан келганича ҳисса қўшмоғимиз лозимлигини дилдан ҳис этдик. Юртимизда ҳар кунги ўзгариш, ҳар кунги янгиланиш. Биргина яшаётган маҳаллаларимизни олсак, Ватан ичра Ватан саналмиш бундай масканларимиз ҳар томонлама чирой очди. Уларда меҳр-оқибат янада кучайди. Миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз эъзозланмоқда, кадр топмоқда. Энг муҳими эса маҳалланинг жамиятдаги ўрни ортиб бормоқда.

Шуни фахр билан айта оламани, халқимиз азал-азалдан тадбиркор, ишбилармон, меҳнатсевар бўлган. Истиклол берган имконият эса ана шуни юзага чиқарди. Мустақилликнинг илк давриданоқ тадбиркорликка кенг йўл очилганлиги, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилганлиги ўзининг яхши натижаларини берди. Шунингдек, мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлган хусусий секторнинг мавқеини ошириш, кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликни жадаллашти-

риш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Шу боисдан ҳам иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида Президентимиз Ислам Каримов ўз маърузасида еттига устувор йўналишни таъкидлади. Ана шулардан бири, яъни учинчи устувор йўналиш, бу бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиб, барқарор ва ўзаро мутаносиб,

асбоб-ускуналарни сотиб олган бўлсам, 1995 йил 26 сентябрда Республика Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг фармойишига асосан бинони худусийлаштириш ҳақида ордер олдим. Асосий мақсадим эл-юртга намунали хизматни ташкил этиш, замонавий аёллар кийимларини тиқиш, ички бозорда ўз ўрнимизга эга бўлиш эди.

Хозирда 70 нафарга яқин аёлни иш билан таъминлаш баробарида, уларга етарли

ким ишлаганига, тадбиркорлигига, изланишига яраша рағбатлантирилмоқда. Мамакатимизда тадбиркорга, мулкдорга ишонч жуда юқсак, ҳар бир изланиш, ташаббус ўз баҳосини олмақда. Шунинг учун ҳам уларнинг сафи ортиб, ҳуқуқий, иқтисодий билимлари юқсалиб бормоқда. Эл-юрт олдидаги масъулятни чуқур ҳис этган ҳолда ҳамиша эртани кўзлаб, келажакни ўйлаб яшаётганимдан, мулкдор сифатида муваффақият қозониб, халқимизга хизмат қилаётганимдан мамнунман.

2. Келажакимиз, мустақил Ўзбекишимиз эртаси ўз қўлимизда. Унга ҳар биримиз эзгу-ниятларимиз билан ҳисса қўшар эканмиз, қалбимизда эл-юрт меҳри муҳасам бўлиб турмоғи керак. Мен ўйлайманки қилаётган ишинга меҳр-муҳаббат, Ватанга садоқат юртни яшнади, жаҳонга танитади. Юртимиз келажакда мен халқимнинг порлоқ эртасини кўраман. Келгусида бозорларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилган рақобатбардош товарлар билан тўлиши мумкин. Шунинг баробарида «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли маҳсулотларга жаҳон бозорига харидорлар сафи тобора ортади. Билим-ли, зукко ёшларимиз, истиқлол умидлари келажакимизни яратди, мустақиллигимизни мустаҳкамлайди. Зеро, келажакимиз фарзандларимиз қўлида, Ватан ишқи, мустақиллик мадҳи эса барчанинг дилида ҳамиша ардоқланади.

МУЛҚДОР —  
ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

«Тошкент оқшоми» газетаси анкета саволларига тадбиркор аёл, «Азиза Сайфи қизи» хусусий фирмаси директори Азиза ФУЛОМОВА жавоб беради:

мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодий таъминотларини жорий этишдан иборатлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Албатта, бизнинг жамоамизда ҳам мустақил республикамиз иқтисодиёти ривожига муҳим ҳисса қўшишга, мулкдор — жамиятнинг таянчи эканлигини аққол кўрсатишга интилаётган тадбиркорлар меҳнат қилишади. Шундан беҳад қувонаманки, Истиклол неъматларидан, у берган буюк имкониятлардан мен ҳам оқилона фойдаланишга мушарраф бўлиб, ўз хусусий фирмамни ташкил этдим. 1993 йилда корхонамиз ҳўжалик ҳисобига ўтгач,

шарт-шароитлар яратишга муваффақ бўлдик. Мижозларимиз сафи тобора ортиб бормоқда. Корхона, ташкилот, лицей ва коллеждардан ҳам буюртмалар қабул қилиб, уни вақтида оқ этапимиз. Хизмат кўрсатиш ҳажми, соф фойда ҳам кўпаймоқда. Биз бозор талабидан, харидор тақлиф ва эҳтиёжидан, дидидан келиб чиқиб ишлаяпмиз.

Шу йиллар мобайнида мулкдор сифатида бизнинг ўз мулкимизга муносабатимиз ўзгарди. Асбоб-ускуна ва дастгоҳларни авайлаб-асраш билан бирга, чеварларимизнинг меҳнатга меҳри янада ошди. Негаки, ҳар



Пойтахтимиздаги «MIRSAZAVA» хусусий фирмаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда ҳам маълум ва машҳурдир.

1996 йилда ташкил этилган маъзур фирманing қисқа вақт ичида харидорлар орасида обрў-эътибор топаётгани бежиз эмас. Бугунги кунда фирмада ишлаб чиқарилаётган стабилизатор, товуш қучайтириш мосламалари... жами 58 хил турдаги радио-электрон ускуналарнинг бозори чаққондир.

Фирмага тажрибали уста, ўз соҳасининг билимдони, «Ташаббус-2002» шаҳар кўрик-танловининг гойиб Баҳодир Мирҳабибов раҳбарлик қилаяпти.

— Ҳар ойда 10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришяпмиз, — дейди Б. Мирҳабибов. — Яқинда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида хизмат қилдик. «Чилонзор буюм бозори»ни тўлиқ радиолаштрдик. «Қўйлик», «Чорсу» бозорларидан ҳам буюртмалар тушган.

СУРАТДА: «MIRSAZAVA» фирмаси раҳбари Баҳодир Мирҳабибов ўгли ҳамда шоғирди Мирвоҳид билан.  
Козим Ўлмасов олган сурат.

## • САНОАТ

Шифобахш  
дарахтлардан —  
замонавий мебеллар

Илмий китобларда ёзилишича, ҳар бир кўкка буй чўзган дарахт кишилар феъл-атвори ҳамда уларнинг табиатига ҳамоҳанг бўлар экан.

Бурж вакиллари маълум муддат ўз характерига мос дарахт ёнида бўлса ёки уни озгина бағрига босиб турса, бор дардларидан фориғ бўлиб, ўзини энгил ҳис қилиши кўпчиликда кузатилган. Бундан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, киши ўз табиатига мос дарахтдан ясалган стол-стул ёки мебелда ўтириб ишласа, кайфияти ниҳоятда яхшиланиб ишида ҳам унум бўлиши табиийдир.

Айни пайтда шаҳримиздаги «Мебель» очик турдаги акционерлик жамияти ходимлари томонидан чинор, ёнғоқ каби шифобахш дарахтлардан офис, ўқув юртлари учун мебеллар, ҳужжатлар шкафи, телефон тумбочкалари, стол-стуллар, кресло каби жиҳозларнинг ажойиб намуналари тайёрланмоқда.

— Идоралар, тегишли вазирликлар ва ташкилотлар, ўқув юртлари буюртмалари асосида 30 хилдан ошик мебеллар ясалиб, харидорлар эътиборига ҳавола қилаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Алижон Қирғизбоев. — Харидорларнинг танлаш имкониятини кўзда тутиб, корхонамизда кўргазмалар залини барпо этганмиз. У ерда буюртмачилар ўз дидларига мос жиҳозларни танлашиб, шартнома имзолайдилар. Айни пайтда боғчалар учун хавфсиз мебель турларини яратмоқдамиз. Ходимларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотининг арзон, қулайлигига алоҳида эътибор беришмоқда. Мебель дизайни доимо замон талаби даражасида бўлиши эса асосий мақсадимиз.

Орзугул РУСТАМОВА

# Тошкентим — боғу бўстоним



«Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари ва «Тошкент» телеканалнинг қўшма рейд

Мустақиллик байрами олдида ободонлаштириш ойлиги эълон қилинганига ярим ойдан кўп вақт ўтди. Нима ишлар қилинди-ю, нималарга улгуриш зарур? Қаерда камчиликлар ва муаммолар мавжуд? Юнусов, Акмал Икромов, Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов туманларида ўтказилган рейд давомида шу масалаларга ургу берилди.

Дастлабки таҳлилларга кўра, ўтган вақт ичида энг катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари Шайхонтоҳур туманидаги Генерал Узоқов кўчасида олиб борилган десак адашмаймиз. Узунлиги 5 километрдан зиёд бу кўчанинг икки атрофида неча йиллардан буён кўп қаватли иморатлар ва турар жойлар ташқи кўринишини берkitиб қўйган баҳайбат баланд дарактлар буталаниб шакл берилган ва оқланган. Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари кучи билан кўчанинг ўртасидан ўтган юқори қувватли устунлар олди ҳудуди ҳам тозаланиб, яшил майдонлар бегона ўтлардан халос этилди. Бўш жойлар эса кичик меъморий шакллар билан безатилиши туфайли бу ерда ўзига хос гўзал манзара юзага келди.

Рейд давомида бизга ҳамроҳлик қилган шаҳар бош агрономи Лазоқат Исломованинг фикрига қараганда, яқин кунларда бу ерга манзарали боғдорчилик ҳўжалигида етиштирилган бир йиллик гул кўчатлари ўтказилади. Генерал Узоқов кўчаси Фарход кўчаси бўйлаб учинчи босқичи қурилатган Кичик ҳалқа йўлининг боғловчи қисми ҳисобланади, шу боисдан бу манзилдаги барча белгиланган ободонлаштириш ишларининг тезлик билан яқунлашишига ҳозирлик қўрилмақда. Шунга ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоизки, бу хайрли ишларга ташаббус кўрсатиб, ташкилотчилик ҳам қилаётган «Ипакчилик» маҳалласида истикомат қилувчи Умид Носиров ушбу ҳудудда фаолият юритаётган ҳар бир тadbиркорни қўшимча равишда корхонасига яқин бўлган жойларни ободонлаштириб, мажбул гулзорлар парваршишни ҳам кейинчалик ўз зиммасига олиши юзасидан шахсан юриб тaргиб қилибди. Tadbиркорлар унга ишонч билдиргани натижасида айни пайтда Генерал Узоқов кўчаси файли ва тароватли тус олмақда. Автортaнспорт соҳиблари ҳам узларига тегишли бу ердаги ижобий ўзгаришларга — катта кўчалар қаторига кирувчи Генерал Узоқов кўчасида биринчи марта ҳайдовчи ва йўловчилар учун йўл ҳаракати белгилари чизилганига эътибор берганига шўбха йўқ.

Ташаббус фақат «жазоланиб»гина қолмай, кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланса, яхши, албатта. Лекин «кўпчилик» сўзи амалда ҳар доим ҳам намён бўлавермайди. Шундай бўлса-да, Собир Раҳимов туманининг Абдураҳимов, Сағбон, Қорасарой, Форобий, Зарқайнар ҳамда баланд қасрдек уйлари бўлган Эски шаҳарнинг озода ва файли тор кўчаларида ободонлаштириш ойлиги шўкучи шундоқкина сезилиб турибди. Бундан тaшқари, туманда жойлашган Миллий ва Техника университетлари атроф ҳудуди саранжом-сарийшталлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Айниқса Техника университетидаги кираверишда барпо этилган Конституция боғи талабалар учун шўнчаки дам олиш маскани бўлибгина қолмай, айрим фанлардан дарсларни ўтказишга ҳам мўлжалланганлиги эътиборга лойиқдир.

Бундай кичик шаклдаги боғ ва хиебонлар шаҳримиз ҳудудида унча кўп эмас, лекин озгинаси ҳам пойтахтимиз кўрғига кўрк қўшаётгани кишини қувонтиради. Масалан, Шароф Рашидов шўқкўчаси

Новоий кўчаси билан туташган манзилдаги Енгинга қарши кураш бош бошқармаси, Новоий кўчасидаги Ўзбек Миллий академик драма театри ҳамда Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги бинолари олди яшил зонаси ҳар бир байрам ёки бошқа тантаналар гоёсига мувофиқ доимий равишда янгилашиб турилади. Бирок кўшни жойлашган баъзи корхона ва тaшкилотлар бундай яхши ибратга эргашшига нима ҳалақит бераётганига тушуниш қийин. Сабаби, фақат маблагда бўлмаса керак? Новоий кўчасида жойлашган ва ўз

хатти-ҳаракатига қарши ҳам қатъий чоралар кўришининг вақти келди, чоғи. «Тошкент оқшоми» газетаси томонидан шаҳар ҳокимиятининг назорат бўлими билан биргаликда қоронида қайд этилган манзил, шунингдек Турон, Сайилгоҳ, Сулаймонова кўчаларида бир неча бор рейд олиб борилиши натижасида тартибузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилганди, аммо санаб ўтилган кўчаларнинг бугунги кўриниши яна эски ҳолатга тушиб қолгани ачинарлидир. Санитария-эпидемиологик вазият ба-

## ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИ

### ТЕРАК

Мамлакатимизда кенг тарқалган манзарали ва тез ривожланидиган дарактларга мансуб терак узок вақт яшамайди. Бу тикка ўсувчи ўсимлиқнинг танаси шаҳар шароитида 5-10 йилдан сўнг намлик етишмагани туфайли пуқаклаша бошлайди.

Теракнинг асосан ок туркистон ва пирамида шаклидаги, ҳалқ орасида кўктерак деб ном олган турларини кўп учратиш мумкин. Улар тез ўсади ва бўйи 5-6 метргача чўзилади.

Бу дарактнинг европача қора тури ҳам мавжуд. Терак бир йиллик қаламчаларидан кўпайтирилади.

# Кўчаларимиз обод ва ораста бўлсин!

лекин бу хайрли ишга ҳамма ҳам бош қўшяптими?

остонаси атрофининг ободонлаштирилишига бепарво бўлган корхона ва ташкилотларни номма-ном тилга олиш унча аҳамиятга эга бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Зеро барибир гап эгаси томонидан бўймайди...

Бугунги кунда катта кўчалардаги ариқзоурулар тозаланишига алоҳида аҳамият берилмоқда, дейиш фикримиз бор эди, бирок рейд давомида қузатилган манзаралар ўзга ҳулоса чиқаришга ундади. Ачинарлиси шўки, айни пайтда гап мавзеларимиз ҳудудидаги ариқлар хўсусида эмас, балки шаҳар марказидагилари тўғрисидадир. Чўнони, «Шератон», «Турон», «Чорсу» меҳмонхоналари тўғрисида жойлашган жамоат тaнспортари бекатлари, «Сағбон» гузароли олди, Сайилгоҳ кўчасидаги бетон ариқ қувурлари турли чикиндиларга тўлдирилганини кўриб бу жойларнинг эгаси бўлмаса керак деган ҳулоса чиқариш мумкин.

Дарҳақиқат, бундай эгасиз «ўгай» жойлар шаҳримизда оз эмас, акс ҳолда ўз ҳолича ахлатхоналар пайдо бўлармиди? «Оқшом» бир неча бора бу мавзу юзасида мушоҳада юритиб, айрим объектларни танқид остига олганди. Бундай салбий ҳолатлар телевидение орқали ҳам кўп мартаба намойиш этилган. Кўрилган чоралар таъсирчан бўлмаганидани, тартибузарлар қилмишлари шу кунларда янада авжга чиқмоқда. Уларга нисбатан, хўсусан Матбуотчилар ва Ота Турк кўчалари кесийган манзилни ифлослантириб, чикиндихонага айлантириб бераётган шу ерда жойлашган баъзи бир нуфузли корхона ва муассасалар эгалари

рқарорлигининг мутаносиб таъминлишида тозаланиш қилишининг аҳамияти ва моҳияти устувордир. Маълумки, аҳолининг кўпчилик қисми умумий оватқаланиш шўкчалари хизматларидан фойдаланади. Жорий йилнинг бошида авваламбор инсон саломатлиги, унинг юқумли касалликларга чалинмаслигининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан меъёрий санитария шўроитларини таъминлашга имкони бўлмаган умумий оватқаланиш шўкчаларида бир маротабалик идишлардан фойдаланиш тартиби жорий этилганди. Афсўсики, рейд давомида ушбу тартиб амалда ўз ифодасини топган бирон бир ошхона, чойхона ёки қаҳвахонани учратмадик. Қаерда бўлмайлик, бу йўналишдаги тadbиркорлик шўбектлари эгалари «хўрандаларни йўқотмас... идишларга қўшимча нарх уларга ортиқчилик қилапти...» деган бир хил жавоб қайтарди. Ҳақиқатан, балки биринчи, иккинчи таомлар ва учинчиси га десертнинг нарҳига 100-150 сўм қўшимча киритилиши тadbиркорга ёхуд хўрандага сезиларли чўким бўлиши мумкин. Бирок гап инсон саломатлиги устида кетаётган бир пайтда, бу мавзуга яна қандай изох жоиз?..

Баъзи вақтларда ёзнинг иссиқ кунларида чанқаб турганимиздан фойдаланиб, пиёласида челақдаги сувдан ёки «баклашка»дан чайиб ичимлик қўйиб бераётган тadbиркор-кимсаларга нисбатан сабр-тоқатли бўлиб, эътироз ҳам билдирмаймиз. Аниқ далилларга келсак, бундай ҳолатни ҳар бир бозорда ҳар қадам



да қузатиш мумкин. Қизиги шўндаки, жойлардаги санитария хизматлари бунга нечун тaшвиш билдирмаётганлигини ҳам тушуниб бўлмайди. Ёки кечки пайтларда катта кўчалар атрофида «ўрик шарбати» нўкталари яна авл обли бораётганига нима дейиш мумкин? Бизнинг лоқайдлигимиз туфайли ўз манфаатини қўзлаб, ноқоний иш юритаётган сохта тadbиркорлар «чора йўқ, демек мумкин», деган фикрга келмайтмишкан? Наҳотки, бундай ҳолатни бартараф этиш учун мувофиқлик кенгашининг розилиги зарур...

Ўзбек халқининг қадрияти бўлиши маҳалла азалдан янги ишларда фаоллик кўрсатишда етакчилик қилиб келган. Қарияларимизнинг айтишларича, ҳашар ҳаракатига ҳам асос айнан маҳаллаларда солинган. Маҳалланинг ҳар бир фуқароси ягона оиладек бирлашиб, худудларни, ариқларни тозолаган. Фарғона қанали мисолида шаҳримиздаги Салор, Бўасув, Кўчка каналлари ҳам ҳашар йўли билан барпо этилган экан.

Бу анъаналар шу кунгача етиб келганининг гувоҳимиз, албатта. Масалан, бир неча ой аввал, умумхалқ баҳор байрами олдида миллиондан зиёд кишилар ҳашарга чиқиб, шаҳарни обод қилишда қатнашгани фикримизга далилдир. Бу хайрли ишда маҳаллалар қатори ҳар бир корхона, муассаса қатнашиб, бир кўнлик иш ҳақини «Маҳалла» жамғармасига йўналтирганини ҳам «Обод маҳалла» йилида қилинган савобли ишлардан бири дейиш мумкин. Тегишли манбалардан олинган маълумотларга кўра, ўрта ҳисобда бу борада 330 миллион сўм тўпланган. Лекин бу маблаглар сарфлашни юзасидан, амалда тўлиқ ифодасини топмагани боис, аҳоли баҳабар бўлиб қолмоқда. Бундан тaшқари, шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан маҳаллалар ичидаги йўллари жорий таъмирлаш учун 300 миллион сўм ажратилган. Бирок бу маблаг ҳам ҳанўз ўлaштирилмагани маълум. Балки бунга ваколатли бўлган оқсоқолларимиз туман ҳокимликларининг ёрдамига муҳтож бўлиб қолаверишдан кўра ташаббус кўрсаталар амалий ишлар тезроқ юзага келармиди? Бу борада ҳомий ташкилотлар билан маҳаллаларни моддий тарафдан қўллаб-қувватлаш бўйича шартномалар тузилишида ҳам оқсоқоллар томонидан фаоллик сезилмаётганини айтиш мумкин. Маҳалланинг нуфузи жойлардаги ҳокимликлар даражасига кўтарилишига шўроит яратилган экан, демек ҳар бир оқсоқол маҳалла фаоллари билан биргаликда ташаббусни ўз қўлига олиб ва озгина тadbиркорлик ҳўсусиятини замонага яраша орттириш иш тутса, мақсадга мувофиқ бўлармиди? Бундай пайтда аҳоли томонидан кўпчилик манфаати йўлида иш юритаётган оқсоқолнинг фаолияти қўллаб-қувватлашига ҳеч шўбха йўқ. Бу борада бир мисол келтириш жоиз. Акмал Икромов туманидаги «Оқ маचित» маҳалласи оқсоқоли Саъдулла Иброҳимов болалар учун футбол майдончаси қурилишига жонбозлик қилгани боис ҳозирда маҳалладошлари орасида ҳурмат-эътиборга сазовор. Лекин бундай ютуқлар билан ҳар бир маҳалла гуруралинишига ҳали анча вақт бор...


16 август кўни Мустақиллик байрами олдида умумхалқ ҳашари ўтказилиши кўпчилик ташаббус ва ўрнак кўрсатишига туртки бўлиб қолиши шўбҳасиз. Шундай экан, бугундан бошлаб ушбу умумхалқ ҳаракатига фаол қатнашишга ҳозирлик қўрайлик.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

• ИСТИҚЛОЛ — БУЮК НЕЪМАТ

# Маданиятимиз сарчашмалари

Мустақиллигимиз шарофати билан Ўзбекистонда амалга оширилган бир қатор ишларга назар ташласак, турли иншоотлар бунёд этилган, юзлаб меъморий обидалар тикланган, бой тарихимизни халқимиз, айниқса ёшларимиз онгига синдириш йўлида кўп ишлар амалга оширилган ва давом эттирилган. Жумладан Темурийлар тарихи Давлат музейининг қисқа вақт ичида қурилиб 1996 йил 18 октябрда ишга туширилиши шу бажарилаётган ишларнинг бир зарчасидир.



ҳовузча каби) билан бойитилмоқда. Шунингдек, бир қатор «Кўли гул халқим», «Амир Темур ҳаётидан лавҳалар», «Темурийлар», «Шоҳрухиядаги топилмалар» каби кўргазмалар ташкил этилмоқда.


«Кўли гул халқим» номли кўргазма маҳаллалардан етишиб чиққан халқ ҳунармандларининг турли кўриницада яратилган буюмлари ҳақида ҳикоя қилади. «Амир Темур ҳаётидан лавҳалар» номли кўргазмада юртимизнинг истеъдодли rassomлари томонидан яратилган рангли мой бўёқда ишланган расмлар ўз аксини топган. Унда Амир Темурнинг болалик, ўсмирликдаги ҳаёти, зафарли юришлари, унинг даврида яратилган меъморий обидаларнинг кўриниши ва бошқа ўзига тортадиган мафункор лавҳалар ҳақида ҳикоя қилинади. «Темурийлар» номли кўргазма ҳам ўзига хос илмий аҳамиятга эга. Маълумки, Амир Темур ўзининг бекиёс истеъдоди, ҳаётий тажрибалари асосида буюк давлатга асос солди ва унинг фаровонлиги, ободончилиги, осойишталиги йўлида тинимсиз меҳнат қилди. У эришган муваффақиятлар ва давлатчиллигимиздаги тараққиёт даражасини унинг ўғил ва набиралири давом эттириб янги-янги зафарларга эришдилар, авлодларга бебаҳо маънавий ва моддий мерос қолдирдилар.

Кўргазмада Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган темурийзода шаҳзодалар сиймоси ва уларнинг фаолияти ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топган. Шунингдек кўргазмада темурийлар даврини ёритувчи кўлэзма ҳам намойиш этилмоқда. Тарихий манбаларга асосланиб истеъдодли rassomлар ва тарихчи олимлардан ташкил топган ижодий гуруҳ томонидан яратилган бу шаҳзодаларнинг қиёфасига назар ташлар эканмиз, улар сиймосидан раҳбарларга хос донолик, зийраклик, жасурилик, билимдонлик каби хислатларни англаб оламиз.

Мустақиллик байрамига бағишланган тантаналар Темурийлар тарихи Давлат музейида ҳам 27 август кунини нишонланади. Унда томошабинларга турли мусиқий йўналишдаги табриқлар, йўн-кулгилар тақдим этилади, кўргазмалар, экспозиция заллари бўйлаб сەҳнатлар уюштирилади. Шу кун «Улуғмуҳаммад Ватаним» мавзусида маънавий-маърифий илмий анжуман бўлиб ўтади.

Темурийлар тарихи давлат музейи, Амир Темур хайрия жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказиладиган илмий анжуманда Муҳаммад Али, Д.Юсупова, Ўбайдулла Уватов, О. Бўриев каби бир қатор тарихчи ва шарқшунос олимлар ўзларининг Амир Темур ва темурийлар даври билан боғлиқ бўлган маърузалари билан қатнашадилар. Музейимизга марҳумат азизлар!

Ўтқир АЛИМОВ,  
Темурийлар тарихи Давлат музейи директорининг ўринбосари.  
СУРАТЛАРДА: музейда намойиш этилаётган «Шоҳрухия топилмалари» кўргазмаси экспонатлари.



Ўзбек халқи фарзандни қадрлайди, севади. «Бола азиз, одоби ундан азиз», деган нақл ҳам ўзбекларнинг фарзанд ва унинг тарбияси хусусида нақадар қуйди-пишди эканликларини ифодалайди. Бола тарбияси ҳақида ўзбек тилида одимий китоблар жуда оз, десақ янглишмаймиз. Яқинда «Шарқ» наشري-

ёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятида америкалик машҳур руҳшунос ва болалар шифокори Росс Кемпбеллнинг «Фарзандингизни чин юракдан севсангиз...» китоби ўзбек тилида нашр этилди. Ушбу китобнинг инглизча нусхаси америкаликлар учун ёзилган бўлиб, таржимонлар Абдулҳан Собиров ва Ғузэл Мирзаевалар томонидан ўзбек тилига ўгириш жараё-

• ДИЛДАГИ ГАПЛАР

# Меҳрингизни сочинг

Пушаймонлик ўтида жизганак бўлиб юрган кизга онаизорнинг койиши баҳона бўлган ҳол. Бу оилада ҳамма нарса етарли бўлган. Савол туғилади — унда бундай «жўя» қадам нега ташланди. Игина киз а жувонмарг бўлди?!  
Нахотки сўнгги чора ўлим бўлса? Менимча ота-онанинг кизга беҳад ишонishi, унга ҳаддан зиёд эркинлик бериб қўйishi фарзанднинг эса бу туйғуларнинг қадрига етмай поймол этиб ва енгил-ели фикр юритиши оқибатида шундай фожеа юз берди. Лекин хатога йўл қўйган ёшлар ундай ўйламайдилар, улар ўзларини ҳурланган, камситилган, алданган ва ўта бахтсиз хис қиладилар. Оқибатда эса ўйламай-нетмай хатолар кетидан хатолар келаверади.  
Қизларимиз буй етаяпти, саволлари ҳам, сирлари ҳам бир жаҳон. Бағрингизни ананда кенроқ очинг, меҳрингизни сочинг, токи улар фақат шу меҳрга суянсин, ишонсин ва бу туйғуларни қадрласин.

Қизларимиз буй етаяпти, саволлари ҳам, сирлари ҳам бир жаҳон. Бағрингизни ананда кенроқ очинг, меҳрингизни сочинг, токи улар фақат шу меҳрга суянсин, ишонсин ва бу туйғуларни қадрласин.  
Гулчехра ДУРДИЕВА

ма сафариди юрар, ишга эрта кетиб, кеч қайтар. Ўз хизмат вазифасини асло даражада бажарар эдию, гулдан-да нозик кизи билан сирлашишга вақт топа олмади. Энди эса кеч, унинг охларидан осмон зириллаб, ер титради. Афсус ва пушаймонлари, 6хунолалари юракни эзди. Нима бўлганда ҳам энди кизи бу оламда яшамайди, ундан айрилди. Бу ҳам етмаганидек маломат аталмиш бир қора тош қаддини дол этиб, қалбида қаро доғ қолди.  
Баъзан вақтимизнинг камлиги боис яқинларимизнинг, қизларимизнинг кўнглига, қалбига йўл топа олмадик. Сирлаша олмаимиз, дардлашиб дўст бўла олмаимиз ва натижада жизганак бўлиб ўз ёғимизга ўзимиз қовурилиб қолаверамиз.  
Қизларимиз буй етаяпти, саволлари ҳам, сирлари ҳам бир жаҳон. Бағрингизни ананда кенроқ очинг, меҳрингизни сочинг, токи улар фақат шу меҳрга суянсин, ишонсин ва бу туйғуларни қадрласин.

# Маънавият — ақл кўзгуси

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, бой маданий меросимиз аҳамиятини кенг ёйиш ва тушунтириш бўйича тадбирлар, миллий мафункорни шакллантириш, юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, ёшларни умуминсоний қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш каби маънавий ва маърифий ишлар «Маънавият ва маърифат» маркази Мирзо Улуғбек тумани бўлими томонидан амалга оширилмоқда.

Худди ана шу хусусда «Маънавият ва маърифат» маркази Мирзо Улуғбек тумани бўлими бошлиғи Хусния Тожибоева бизга қуйидагиларни гапириб берди.  
— Ҳақиқатан марказимиз ўз фаолиятини Кенгаш тасдиқлаган иш режаларига кўра амалга оширмоқда. Туман ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот, ўқув юртлиари, маҳаллаларда «Маънавият ва маърифат» марказлари ташкил этилган. Корхона, ташкилот, мактаблар, лицей, коллежлар, илмий-теқшириш институтлари директорлари, олий ўқув юртлиари ректорлари ушбу мар-

## Хайрли мақсадларни кўзлаб

нинг чукурлаштириш борасида ҳукумат ва шаҳар ҳокими қарорлари ва меърий ҳужжатлар ижроси бўйича туман ҳудудида жойлашган ўқув муассасалари раҳбарлари ва маҳалла оқроқоллардан иборат «Ёш олимлар» жамғармаси тузилди.  
Туман ҳудудида жойлашган Ибн Сино Халқаро жамғармаси фаолиятдан ўрин олган асосий вазифалардан бири олган, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тартиб қилишдир. Шу йўналишда жамғарма туман ҳокимлиги билан яқин ҳамкорликда маҳаллаларда, олий ўқув юртлиарида, ўрта таълим мактабларида соғлом турмуш тарзини ёшлар онгига синдириш, XXI аср вабоси бўлмиш гиёвандлик ва ОИТСнинг олдини олиш каби мавзулар бўйича бир қанча тадбирларни амалга ошириб келмоқда.  
«Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлимининг тадбирлари йўлга қўйилган.  
Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига амалга ошириш мақсадида туманда жойлашган олий ўқув юртлиари, илмий-теқшириш институтлари ёш олимларининг фаолиятини ошириш, уларнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини туман ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарида жорий қилиш, ишлаб чиқариш билан илмий ишларни узвий боғлаш ҳамда ёш кадрларни мақсадли тайёрлашни йўлга қўйиш ва уларга керакли ёрдам бериш мақсадида техника, химия ва биология, электроника ва физика, ахборотлар технологияси, иқтисодиёт ва бошқарув, биология ва спорт йўналишидаги бўлимлар-

нинг ҳисоботи берилиши йўлга қўйилган.  
Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига амалга ошириш мақсадида туманда жойлашган олий ўқув юртлиари, илмий-теқшириш институтлари ёш олимларининг фаолиятини ошириш, уларнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини туман ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарида жорий қилиш, ишлаб чиқариш билан илмий ишларни узвий боғлаш ҳамда ёш кадрларни мақсадли тайёрлашни йўлга қўйиш ва уларга керакли ёрдам бериш мақсадида техника, химия ва биология, электроника ва физика, ахборотлар технологияси, иқтисодиёт ва бошқарув, биология ва спорт йўналишидаги бўлимлар-

• МУЛОҲАЗА

Ўзбек хонадонларида қизлар бўйига етиб, кўзга кўришиб қолгач совчиларнинг кети узилмайди. Зеро, «Қизингни бешикка сол, молини сандиққа сол» деган нақл бежиз айтилмаган. Ҳақиқатан ўғилми, қизми, фарзанд тарбиялаб, вояга етказган ота-онанинг орзу-умидлари ниҳоятда катта бўлади.

## Тўйларимиз ИХЧАМ ВА ЧИРОЙЛИ ЎТСИН

Албатта орзу-ҳаваснинг чегараси йўқ. Лекин бугунги кунда орзу-ҳавасни ҳам ким ўзгарта қилаётган баъзи бир кимсаларнинг тўйларига боғанда кўриб, ҳайратдан оғзингиз очилиши табиий. Минг афсус, орамизда миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни унутиб, ўзбошимчилик билан янгича урфларни ўйлаб топаётган, манманликка берилган кимсалар кўпайиб бормоқда. Ахир икки қўла келишиб, бир-бирларини қийнамастан, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймай ихчам, чиройли тўй қилиш мумкин-ку! Яқинда бир қариндошимиз Муаттархон қиз чиқарди. Муаттархон кўзининг оқу қораси бўлган икки қизини беваликда оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди, ўқитиб, меҳнатсевар, оқила қизлар қилиб тарбиялади. Қизлар бўйига етгач совчилар кела бошлади. Муаттархоннинг боши қотгандан қотди. Ахир олийдинга ишчининг маоши билан қандай тўй қилиб бўлади, айниқса ҳозирги ўтаётган тўйларни кўриб, бунча сарф-ҳаражат билан тўй қилишининг ўзи бўлмаслигини ҳар ким ҳам ўйлаб қолади албатта. Қизлардан Нилуфархонга келатган совчиларнинг борган сари кети узилмас, қизнинг тарбияли, меҳнатсевар, оқилалигини ҳамма яхши биларди. Муаттархон қизига келатган совчиларга тўйга ҳали тайёр эмаслигини, кам-кўсти кўпчилигини айтиб, рад жавобини бера ҳам, совҳат қайта-қайта келишаверарди. Ва ниҳоят тақдир эканми, Умиджоннинг ота-оналари қаттиқ туриб: «Кам-кўст деманг, қиз болани тенги чиқса текин бер», деганлар. Бизни қизингизнинг молу дунёси қизиқтирмайди, ниятимиз фарзандларимиз бахтли-саодатли турмуш кечиршига бас. Тўйини сиз ҳоҳлагандек қилишиб, иложи борича ихчам қилиб ўтказамиз, олди-бердилар, сарпо-суруеларни келишиб қамайтирамиз» дейишиб, уларнинг розиликларини олишди. Хуллас тўйга тайёрларлик бошланди. Муаттархоннинг яқин қариндошлари ҳам бундан хурсанд бўлиб тўйга баҳоли қудрат ўз ёрдамларини анишмади. Кўёв бўлмиш Умиджоннинг отаси Намжон ака қўла томонга оғир бўлмаслиги учун мебель (стенка), стол-стулларни ўзлари олишчилигини айтди. Бу гапни эшитган Муаттархон яқинлари билан маслаҳатлашиб, катта тўй олмастикки, сарполарни ҳам ошириб-тоширмадан, фақат зарур қийматларни олишликка қилишди. Чакриқ, чарлар деган маросимларни ҳам йўқ қилишди. Бунинг ўрнига икки ёшни дам олишга бирор жойга юборишни лозим топдиши. Бундай келишувдан ҳар икки қўла томон жуда



хурсанд бўлишди. Ниҳоят никоҳ кечаси ҳам ўзлари келишганидек ихчам, ортиқча сарф-ҳаражасиз, лаблабасиз, чиройли ва мазмунли ўтди. Кўпчилик «Жуда тўғри қилишибди, келишиб, мана шунанга тўй қилиш керак. Нега баъзилар лаблабали тўй қиламан деб, ташвишланиб, туллари ухламай ўзларини қийнайдилар. Мана шундай ихчам, мазмунли тўй қилиб, мазза қилиб ўйнаб-қулиб ўтказса бўладику ахир», деб ҳавас қилганлар кўп бўлди. Умиджон билан Нилуфархоннинг тўйла-



рига ҳақиқатан кўпчилик ҳавас қилди. Илоҳим келгусида уларнинг бахтли-саодатли ширин турмушларига ҳам ҳаммининг ҳаваси келисин.  
Юртимизга тўйлар ярашди, фақат меъриёда ихчам ўтказилган шундай тўйлар файли бўлади, осойишталикда, хурсандчиликда ўтади. Мана шундай хонадонларга бахт, тинчлик, хотиржамлик кириб берилади. Ҳа, азизлар ҳаммани тўйга етказсин, тўй тўйларга улانسин. Фақат миллий қадриятларимиздан четга чиқмаган ҳолда, Муаттархон ва Зумрияхон каби фақат фарзандлари бахтини ўйлаб, ихчам, файзли тўйлар қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.  
Раъноҳон РАҲИМБЕКОВА,  
юридик фанлари номзоди.  
А. ПОПОВ олган суратлар.

## Илмий-амалий анжуман

Бугунги кунда ёшларнинг қомил инсон бўлиб вояга етишларига маҳалланинг ҳам ўрни бекиёс албатта. Кунинг кеча Юсубов туман ҳокимлигида «Обод маҳалла йили» ҳамда Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб «Қомил инсоннинг тарбиясида маҳалланинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда туман ҳудудидаги 50 та маҳалланинг педагог-тарбиячилари, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, «Маҳалла» жамғармаси ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими хизмати раҳбарлари иштирок этди. Тадбирда «Маънавият ва маърифат» маркази Юсубов туман бўлими раҳбари Д. Тошхўжаева, «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласи оқсоқили Э.Худойбер-

нинг ташкилий ва услубий ишлари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Анжуманда «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими томонидан «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласида ташкил этилган кутубхонага 40 номдаги баддий китоблар тақдим этилди. Шунингдек анжуманда маҳаллада педагог-тарбиячилари ўрта-сидда ўтказилган кўрик-танлов голиблари тақдирланди.  
«Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласи баддий ҳаваскорлари ижросидаги жозибали ва қувноқ қуйи-қушиқлар йиғинлар қалбига бир олам шодлик бағишлади.  
Гулнора ҲАМИДОВА

• КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

## ФАРЗАНДИНГИЗНИ ЧИН ЮРАҚДАН СЕВСАНГИЗ...

нида баъзи сўзлар, иборалар ҳамда ҳикоялар муаллиф роялиги билан ўзбекчалаштирилиб олинди.  
Бу китоб айниқса ёш ота-оналарга фарзандларини тўғри ва самарали тарбия-

ҳаббат, самимият, эзгулик ҳақида ҳикоя қилади.  
Китобда муаллиф шундай ёзади: «Ота-оналарнинг ақсариёти ўз фарзандларига нисбатан юрак тубида яшириниб ётган меҳр-муҳаббатини ифода қилишга қодир эмас. Натижада эса кўпчилик болалар ота-оналарининг самимий, илқ меҳр-муҳаббатларини охиригача хис қила олмайдиган ҳолда ҳақиқий муъжиза яратишга қодир бўлган меҳр-му-

Ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар самимий меҳр-муҳаббатга асосланмаган бўлса, боланинг юриш-туриши, кўчадаги ва мактабдаги фаолияти мўрт бўлади ва табиий равишда келгусида кўнлаб оилавий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.  
Китоблар ота-оналарга тарбия масаласида ҳолис тақлифлар бериши билан бирга муаммо туғилган ва-

зиятларда ҳар қандай қарорга келиш тўғрисида ҳам ҳақиқий йўл кўрсата олади. Дарҳақиқат шоир айтганидай:  
**Китобдан яхши дўст йўқдир дунёда, Китоб кирган уйда нур, шуур яшар. Қатрада дарё бў, қуёш — зинда, Сўз калом сеҳрига сийган башар. Назира ЖҲРАЕВА**

## Шурфа олам Дунёда ўхшаши йўқ

Ал-Фаробий номли Қозоғистон Давлат университети биофизика ва биокимё кафедраси мудири профессор В. М.Иношин раҳбарлигидаги гуруҳ яратган асбоб кўпчиликнинг диққатини ўзига тортмоқда. Оддий самоварни эслатувчи ва ер қимирлашдан бир неча соат олдин овоз берувчи мослама одамларни хавфли ҳодисадан хабардор қилиши билан ажралиб туради. Унинг овози қаттиқ ухлаган кишиларни ҳам уйғотиб яқинлашган хавф-хатардан дарак бериши тажрибаларда исботланди. Дунёда ўхшаши йўқ бу ер қимирлаш индикаторнинг нархи эллик минг АҚШ долларидан нархланмоқда. Яратилган янгилик ёрдамида 1990-йил Исчиқўл атрофида бўлган. 1991-йил Катта Алмата кўли, 1993-йилдаги Текеш шаҳри яқинидаги Жунгар Алатоусидаги ва 1995-йили Сахалиндаги кучли ер қимирлашнинг вақтини камида 28-46 соат олдин айтиб берилганлиги унинг муҳим аҳамияти касб тажрибаларда исботланди.

## Она сuti— аллергияга қарши

Ҳиндистон ва Канада олимлари она сutiнинг аллергияга қарши курашувчи воситалардан бири эканлигини қайд қилишди. Чақалоқлар ички гуруҳга бўлиниб, буларнинг бири она сuti сuti билан, иккинчиси эса сигир сuti билан боқилган. Организмлардаги ўзгаришлар кузатиб борилар экан, она сuti эмган болаларда ҳаммаси бўлиб саккиз фоиз, сигир сuti эмган болаларда саксон фоизи аллергия касалликларга учраши мумкинлиги тажрибаларда исботланди.

## Автомобиль ва диабет касаллиги

Япон олимлари мамлакатда диабет касаллиги кўпайганлигини қайд қилишди. Бу ҳаракатсизлик, яёв юрмаслик, ҳук кўтармаслик ва шу каби бошқа ишлардан овоз бўлиш сабабли деб топилди. Мамлакатда вақти-вақти билан ёнилги танқислиги кучайиб, машиналарда юриш камайган пайтларда диабет касаллигининг камайиши юқоридаги фикримизга далил бўлади. Япон шифокорлари фаол ҳаракат билан диабетнинг тўғридан-тўғри боғлиқ эканлигини кўп тажрибаларда исботлашди.

## Кўз доимий ҳаракатда

Киши кўзи доимий ҳаракатда эканлиги исботланган. Ҳар дақиқада юз-йигирма марта ҳаракатланувчи кўзимиз ўнгга ва чапга, юқори-пастга қараб ҳаракатланади. Кўз ҳаракати тўхтаб қолса, миёга импульс бормай қолиши ҳисобига ҳеч нарса қўролмайд қолади киши.

# БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАН ЛАВҲАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида Япония пойтахтидаги Токио Миллий нафис санъат ва мусиқа университетидан Ўзбекистон Бадий Академияси раиси, Олий Мажлис депутати машҳур расом ва сураткаш Т. Кўзиевнинг «Буюк Ипак йўлидан лавҳалар» мавзуда фото-кўргазмаси ташкил этилди.

Ушбу фото-кўргазма икки мамлакат ўртасидаги дўстона ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган. Фотосуратчи-расом Т. Кўзиев томонидан кўтарилган мавзу, яъни «Буюк Ипак йўлидан лавҳалар» воситасида турли халқлар маданиятидаги тафовут ва ўхшашиликлар атрофича ёритиб берилган. Уларда муаллифнинг бир неча йиллар давомида Буюк Ипак йўлининг қатор мамлакатларида тасвирга олинган замондошларнинг кундалик ҳаёти, она табиат гузаллиги ҳамда аждодлардан

мерос қолган бебаҳо тарихий обидалар акс эттирилади.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан Токио Миллий нафис санъат ва мусиқа университети ректори профессор Икуо Хирояма шундай деди: «Буюк Ипак йўли Шарқ ва Ғарб ўртасида нафақат тижорат балки маданият алмашинуви ҳам беқийс ҳисса кўнган. Бу қадим йўлни қайта тиклаш, у орқали умуминсоний қадриятларни ривожлантириш ва турли миллатлар ўртасидаги биродорлик муносабатларини мустаҳ-

камлаш йўлида Т. Кўзиевнинг ажойиб лавҳалари бутун жаҳон ижодкорларининг айна мавзудаги асарларини бир қадар мукамаллаштиради».

Бугунги кунда Токио Миллий нафис санъат ва мусиқа университети дунёнинг йигирмадан зиёд етакчи университетлари ва тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик алоқаларига эга. Хитой, Франция ва АҚШдаги нуфузли ҳамкорлар қаторида Ўзбекистон бадий академияси ҳам салмоқли ўрин тутди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро мавжуд ма-

даний алоқаларни янада кенгайтириш, ёш олимлар ва талабалар билимини ошириш ҳамда тажриба алмашиш билан боғлиқ қатор қўшма лойиҳалар мунтазам йўлга қўйилмоқда.

2002 йилнинг декабрь ойида Тошкент шаҳрида Токио Миллий нафис санъат ва мусиқа университети ректори И. Хирояма ташаббуси билан Маданиятлар карвонсаройининг очилиши ва Токиодаги «Буюк Ипак йўлидан лавҳалар» фото-кўргазмасининг барча фотолавҳалари Ўзбекистон бадий академияси томонидан Токиодан Токионинг мазкур университетида эсдалик учун ҳада этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчиси Мирсобит Очиров, Япониянинг мамлакатимиздаги собиқ элчилари Кёка Накама ва Укоро Магосакилар иштирок этишди.

**Беруний АЛИМОВ,**  
«Жаҳон» ахборот агентлиги,  
Токио, Япония

**Интернетнинг пайдо бўлишига 30 йиллардан сал ошди. 1969 йил Америка мудофаа вазирлиги ARPANet (Advanced Research Projects Agency) замонавий тадқиқотлар ўтказиш шўъбасини тузди. Бу шўъба ҳарбий ҳаракатлар вақтида, баъзи қисмига зарар етказилса ҳам узулишларсиз фаолият кўрсата оладиган, ахборот узатадиган коммуникацион тармоқ яратди. Мазкур тармоқ ARPANet номини олди.**

80-йилларда унинг кейинги тараккиёти шаклланди. 1983 йилда ARPANet икки тармоқ: ARPANet ва MILNET га ажратилган эди, агар биринчи тармоқ фуқароликка оид вазифаларга қўлланиса, иккинчи тармоқни эса, қатъий ҳарбий масалаларда ишлатиш юклатилган эди. Шунинг билан мазкур икки тармоқни қўшиб, Internet деб юритила бошланган эди. Кейинчалик яратилган бошқа глобал тармоқлар, мисол учун BITNET, CSNET ҳам маълумотлар олиш ва ўзаро хабар, ахборот алмашишни энгиллаштириш учун Интернетга улашиб борди.

Ҳозирда Интернет тахминан 10 мингдан ортиқ тармоқ уланган деб ҳисобланади. Фойдаланувчилар сони эса кундан-кунга ошиб бормоқда.

Бинобарин, 1997 йилда улар сони 70 миллионни ташкил этган бўлса, 2001 йилда 300 миллионга етди.

Газетонда Интернет қандай ташкилот ўзи, маъмурий тузилмаси, ҳодимлари кимлар, маоши, фойдаси қанақа деган саволлар туғилиши табиий.

Шу тўғрида қуйидагиларни айтса бўлади.

Интернет тузилиши бўйича бутунлай ихтиёрийлик асосида катнашувчилардан ташкил топгандир. Унинг бошқаруви оқсоқоллар кенгашига қийс, бироқ унда на патриарх, на президент ёки раис бор. Тўғри, Интернетни ташкил этувчилар ўзларининг президент ёки бошлиқлари бўлиши мумкин, бу бошқа гап, ammo Интернетда битта авторитар фигура йўқ.

Интернет қаерда бўлмасин, унинг энг юқори органи ISOC (Internet Society) ҳисобланади. ISOC бу кўнгилли аъзолар жамиятидир. Унинг мақсади эса, Интернет орқали маълумотларни кенг қамровда (глобал) узатиш, қабул қилиб олишга кўмак бериш. Бу жамият оқсоқоллар кенгашини тайинлайди. Мазкур кенгаш эса, ўз навбатида Интернетнинг техник сийсати, уни қўллаб-қувватлаш ва бошқаришга жавоб беради.

Оқсоқоллар кенгашининг амалдаги номи IAB (Internet Architecture Board) бўйича кенгаш ) бўлиб, улар тақлиф этилган кўнгиллилардан иборат. IAB доимо йиғилиб, стандартга ўзгаришлар-

ни қабул қилиш, Интернет ресурслари, мисол учун: манзилларни тақсимлашни амалга оширади ва булак ишларни бошқаради.

Интернет, муаммосиз фаолият кўрсатишни қабул қилинган стандартлар, компьютерлараро мулоқотни тўғри созлайдиган амалий дастурлар орқали амалга оширади. Компьютерларнинг тури ва марказидан қатъи назар мос стандартлар IAB томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. IAB стандартларга масъул, уларнинг қандай бўлишини ҳал этади, янгини қабул қилса бутун дунёга эълон қилади ва амалга киритади.

IAB шунингдек, компьютер манзилла-

малар асосида тавсия тайёрлайди. Бу тавсия салмоғи ва мазмунига қараб ё маъруза ёки ҳужжат бўлиши ҳамда янги ишланмалар бўлса, IAB кўриб чиқиб стандарт кўринишида қабул қилиши ҳам мумкин.

Интернетга бошқа тармоқлар қўшилиши, ўзини Интернетнинг қисми деб ҳисобласа бўлади. Қўшилиб Интернетнинг камчиликларини кўрсатса, тақлиф, сўров, шикоятлар билан мунозабат қилса, Интернетнинг маъмурий қурilmаси уларни кўриб чиқади. Фойдаланувчи асосида Интернет ўзида ўзгаришлар қилган ҳоллари ҳам бўлган, кўп ҳолларда бу арзлар навабдаги бириккан тармоқнинг инжиқлиги деб рад этилади.

Чунки, Интернет таркибда 12 мингдан ортиқ тармоқлар бирлашган, ҳар бирининг талабини бажаришга на имкон, на асос йўқ.

Интернетга марказлашган тарзда ҳеч ким пул тўламайди. Яъни, Интернетдан фойдаланувчилардан яққа ҳолда тўлов йўғадиган ташкилот йўқ. Аксинча, ҳар бир тармоқ вакиллари, ўзаро алоқалар учун тўловларни амалга ошириш тартибини келишиб олади. Мисол учун: коллеж ва корпорация ўзининг минтақавий тармоғига пул тўласа, у тармоқ эса ўз навбатида давлат мақомида эгаллик қилувчи тармоққа молиявий боғлиқ бўлади.

Интернет оддий тармоқ эмас, аксинча, ўн минглаб оддий тармоқларни бирлаштирибди. Шунинг учун Интернет-тармоқларнинг тармоғи деб номлаш тўғри бўлади.

Интернет таркибига нималар қиради? Авваллари жавоб осон эди. «Хамма тармоқлар, қайсики IP (Интернет протоколи) жавоб берадиган, ҳамда кооператив умумий тармоқ ҳосил қиладиган». Булар турли ташкилотлар тармоғи, кўп минтақавий тармоқлар, ўқув юртлари тармоқлари ва баъзи чет давлатлар тармоғи эди.

Оз вақтдан сўнг Интернетнинг қулайлигини бошқа IP-протоколга асосланган тармоқлар ҳам билишди. Сўнгра ўз мижозларига Интернет хизматларидан фойдаланишни киритиш учун шўълар ўйлаб топилди (Bitnet, Decnet ва бошқалар). Шўълар ёрдамида бошқа протоколларга асосланган тармоқ компьютери орқали Интернет протоколида фаолият кўрсатадиган компьютерга боғланади. Аввалда фақат электрон почта учун хизмат қилган бўлса, энди бошқа турдаги хизматлар ҳам кўрсатилади. Уларни, шунингдек Ўзбекистонда UzPAK регионал тармоғини ҳам Интернетнинг таркибий қисми деб ҳисобласа бўлади.

**Абдуҷаббор ОБИДОВ,**  
техника фанлари номзоди.



рига хос рақамларнинг, уникал (ягона) бўлишини кузатиб боради. Чунки, ҳар бир компьютернинг (файл сервер вазифасини бажарувчи) манзили Интернетда маълум бўлади. Ва у бетакдор, қайтарилмас рақамда рўйхатга олинади.

Бу манзил қандай берилди? IAB бу турдаги муаммоларни қуйидагича ҳал қилади. У тўғридан-тўғри ҳар бир компьютерга манзил бермайди. Бироқ, манзил тақдим этиш қоидасини ишлаб чиққан. Бу қоидага асосан, компьютерлар номилаш провайдерлар вазифасига қиради. Интернетнинг манзиллари бўйича каталоги SRI international (Калифорния) деб номланган АҚШ давлат ташкилотига сақланади.

Интернетда яна бошқа IETF (Интернетнинг тезкор муҳандис отряди) ташкилот бор бўлиб, у ҳам кўнгиллилардан ташкил топган. Доимий йиғилиб туради ҳамда жорий фойдаланиш ва техник муаммоларни кўриб чиқади.

Баъзи бир чуқурроқ ўрганиладиган муаммолар учун ишчи гуруҳлар тузилади. IETF ва ишчи гуруҳларга истаганлар кириши мумкин. Асосийси, бу кўнгиллиларнинг ишчи бажаришга лаёқати бор бўлиши лозим.

Ишчи гуруҳларнинг вазифалари эса турли: ҳужжатлар тайёрлаш ва чиқариш, стратегик тадқиқотлар, жорий пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш, янги стандарт ва протоколларни яратиш, борларига қўшимчалар киритиш, турли шикоят ва тақлифларни кўриб чиқиш. IETF ишлан-

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб домо бўлув...**

● Арасту ҳаким айтади:  
— Тўғри сўзлаб, тўғри ишлаб вафот этиш ёлғончи бўлиб узоқ яшадан кўра хайрлидир.  
● Бир донишманд айтади:  
— Бошқаларнинг авлодига, қариндош-уруғларига эҳсон қилинг, ёрдам беринг. Улар ҳам авлод ва қариндош-уруғларингизга сиз қилган яхшилигингизни қайтардилар, яъни қилган яхшилигингиз ўзингизга қайтмаса, болаларингизга ва қариндош-уруғларингизга қайтади.  
ХИКОЯТ. Қадим замонда Ҳалаб шаҳрида Умар номли саховатли, олижаноб бир одам яшарди. Бир кун йўлда кетаётган эди, бир ҳовли эшиги ёнида иккита гўдак боласини бағрига босиб йиғлаб ўтирган хотинни кўриб қолди. Умар хотиннинг паршон ҳолига раҳм қилиб, дарҳол унинг ёнига борди.  
— Синглим, нега йиғлаб ўтирибсан, сенга нима бўлди, ким сенга озор бериб, дилингни вайрон қилди? — деб сўради.  
Хотин аччиқ-аччиқ кўз ёшларини тўкиб, янгли ҳолини баён қилишга киришди:  
— Менга ҳеч ким озор бергани йўқ, фақат толезсизлигимдан нолиман, бахтсизлигимдан кўз ёшларимни тўкиб фиғон этаман. Илгари турмушимиз яхшигина ўтиб турган эди. Бундан бир йил аввал эрим оғир касалликка йўлиқиб вафот топди. Мен шу икки гўдак болам билан дод-фарёд қилиб қолавердим. Мен ўзим касалчан, ниҳон хотин бўлганим учун бирор ишга киришиб маишатимизни таъмин этишга мадорим йўқ эди. Бир йилгача уйдаги бор нарсаларимни сотиб болаларим билан бирга умр кечирдим. Энди ҳеч нарсамиз қолмади. Очлик, яланғочлик хавфи остида қолдик. Бундан кейин аҳолимиз қандай кечичини била олмай бахтсизлигимдан нола қилиб йиғлаб ўтирибман.  
Умар бечора хотиннинг ноласига чидолмай кўзига ёш олди, болаларни кўлига олиб қучоқлаб, юз-кўзларидан ўлиб эркалади, хотинга тасалли бериб:  
— Синглим, йиғлама, ўрнингдан тур, силарни уйга олиб кетаман, менинг меҳмоним бўласиз, сен силарни шундай аҳволда қолдирмайман, ёрдам бераман, бу митти, гўзал болаларинг менга ҳар нарсадан ҳам қиммат туради, — деди ва болаларни яна эркалаб юз-кўзларидан ўлди. Хотин бечора шодланиб ўрнидан турди, йиғлаб Умарга миннатдорчилик билдирди. Умар икки гўдакни кўтариб олди. Хотин ҳовли эшигини қулфлаб Умар билан бирга йўлга тушди.  
Умарнинг оиласи бу бахтсиз меҳмонларни шодлик билан қарши олдилар. Уларни яхшилаб зиёфат этдилар, хотин ва икки етим гўдакка янги либослар кийдирдилар. Умарнинг хотини ва қизлари гўдакларни эркалаб, кўлларидан туширмас эдилар. Хотин бир неча кун меҳмон бўлиб тургандан кейин ўз уйига қайтиш учун руҳсат сўради.  
Умар дарҳол ёғ, гўш, гурч ва бир қоп ун тайёрлаб аравага ортди. Бахтсиз меҳмонларни ҳам аравага ўтқизиб уларга олиб келиб қўйди. Кейин хотиннинг қўлига кўпгина пул бериб:  
— Синглим, мана бу пулни таражат этиб уй асбобларингни тўзатиб ол. Пул ва келтирилган озиқ-овқатлар тамом бўлса, яна менинг уйимга кел, яна ёрдам бераман. Асло хафа бўлма, болаларингни яхши тарбия қил, сен менинг қиёматли синглиман, — деди.  
Бечора хотин кўзларидан шодлик ёшларини тўкиб, умарга миннатдорчилик билдирди. Мана шундай хайрли ишларни муруватли, олижаноб одамларгина қилдилар.  
**Китба:**  
Муруватли бўлиб, дармондаларнинг кўнглини шод эт,  
Тафаккур айлагил, дармондаларнинг кўнглини ёд эт.  
Тиларсан кўрмагайсан дардмандлик захматин ҳаргиз,  
Шикаста нотаваонларнинг бузук кўнглини обод эт!

● ҲАМКОРЛИК

**Инсонпарварлик ёрдами**

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «Соғлом авлод», «Обод маҳалла йили» Давлат дастурлари ҳамда «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг муваффақиятли бажарилишида фаол иштирок этиш мақсадида қатор халқаро ташкилотлар билан ҳам ҳамкорликни кучайтирмакда.

Куни кеча Тошкент халқаро аэропортига яна бир муруват юки ортилган самолёт кўнди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига Америка Қўшма Штатларининг «AmeriCares» халқаро муруват ташкилоти томонидан 7 миллион АҚШ доллари миқдоридagi муруват ёрдами топширилди. Махсус муруват юки дори-дармонлар, тиббий ашёлар, санитария ва гигиена буюмларидан ташкил топган. «Соғлом авлод учун» жамғармаси ходимлари, «AmeriCares» — Эми Дэниелс (Ўзбекистон бўйича лойиҳа раҳбари), Эмануэлла Чиаран-

да (мувофиқлаштирувчи) ва Сергей Альберт (МДХ бўйича лойиҳа раҳбари)лар билан ушбу юкларни жойларга етказишда ҳамкорликда ишлашди.  
Шуни айтиш керакки, «AmeriCares» 1982 йилда ташкил топган бўлиб, дунёда энг йирик муруват ташкилоти ҳисобланади ва дори-дармонлар, тиббий махсулотлар, озиқ-овқатларни жойларга инсонпарварлик ёрдами сифатида етказиш билан шугулланади. «AmeriCares» муруват ташкилоти факулдада вазиятларда зарар кўрганларга ёрдам беришдан ташқари, тур-

ли давлат фуқароларининг миллати, динидан қатъий назар соғлиқни сақлаш соҳасида узоқ муддатли дастурни қўллаб-қувватлаб келмоқда. «AmeriCares» халқаро муруват ташкилоти билан «Соғлом авлод учун» жамғармаси ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгандан буён Ўзбекистонга келтирилган муруват юкларининг миқдори 35 миллион АҚШ доллари-дан ошди.  
Қайд этиш ўринлики, «Соғлом авлод учун» жамғармасига келтирилган ушбу муруват юкининг асосий қисми республикамиздаги 14

та минтақа тиббиёт муассасаларга тақсимланади. Қолган қисми эса жамғарма тиббий — ижтимоий патронаж бригадалари орқали республикамизнинг энг чека минтақаларида жойлашган оилаларга берилади.  
Муруват юкларининг бир қисми шаҳримиздаги 23 ва 24-меҳрибонлик уйларига топширилди.  
**(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: инсонпарварлик ёрдами топширилган 23 ва 24-меҳрибонлик уйлари.**  
Сергей Любич олган суратлар.



**Турмуш чорраҳаларида**

**Ҳанифа хола ўғлига қиз ахтаравериб чарчади. Аброр ҳам қизлардан камчилик топаверди. Бирини «сочи кесилган» экан деб яна бирини «овози йўғон, баланд» деб, бошқасини «ҳадеб кулавераркан», деб ёқтирмади.**  
Ёз ҳам охирлаб қолмоқда. Айни пишқичлик, куз фаслида тўй қилганга не етсин. Ҳанифа хола шундай хаёллар билан банд бўлиб, синглиси кириб келганини ҳам пайқамай қолди. Ҳалима хурсанд эди.  
— Опажон, яхши ўтирибсизларми? Аброр ҳали ишга кетмадими? Уйдами?  
— Ха, ҳа, уйда. Нима гап? Жуда хурсанд кўринасан.  
— Бўлмасачи? Сизга бир эмас, иккита қиз топиб келдим, насиб қилса шу ойда тўй ҳам бўлиб қолар. Албатта, биттаси Аброрга ёқади.  
— Иккаласи ҳам ёқиб қолсачи? — уларнинг суҳбатига аралашди уйдан чиқиб келиб ҳоласи билан кўришар экан Аброр.  
— Бўлмаган гапни кўй. Бу инжиқлигинг билан биттасини танласанг ҳам жон дердик.  
Ҳоласининг гапидан маълум бўлдики, Сайёра ҳам, Раъно ҳам гўзал, ўқимишли қиз. Фарқи шундаки, Сайёранинг отаси давлат ишида, онаси тарбиячи. Уй-жойлари дангиллама эмас, аммо озода, саришта. Раънонинг отаси — тадбиркор. Онаси — «Супермаркет»да ишлайди, уйлари оқ мрамар шуъласидан ярақлаб турармиш.  
Ҳанифа хола «Тенг тенги билан» дедида, Сайёраларнигаки совчиликка борди. Йигит ва қиз учрашишига розилик олинди. Учрашувда Сайёра қуруқ ойлик билан яшаш қийинлигидан нолигандек бўлди. Яхши кийиниш, дангиллама тўй, машиналар ҳақида гапирди, бунинг учун уddaбурун, тадбиркор бўлиш керак, дегандек шаъма қилди. Аброр Сайёра билан тезда хайрлашди. Кейинги ҳафтада эса гарчи ўзи истамаётган бўлса-да, давлат оила фарзанди Раъно билан учрашди.

— Биласизми, Аброр ака! Уйимизда ҳамма нарса мухайё, айтганим айтган. Аммо мен тинч, хотиржам яшашни, бирор жойда ишлаб, ҳалол ризқ билан яшашни хоҳлайман. Адам ҳам, ойм ҳам кун бўйи ишда бўлишади. Эрта тонгда кетиб, қоронғу тушганда келишади. Дам олиш кунлари ҳам бирга бўлолмаймиз. Музлатчи егуликлар билан тўла. Қанийди, оила даврасида йиғилиб овқатлансак дейман. Бўлажак умр йўлдошим фақат пул деб ўзини ўтга-чўкка урмай, менинг қизиқларим билан ҳам қизиқса.  
Аброрга Раънонинг фикрлари маъқул тушди. Ажаб, шундай бадавлат оилада қарангки, камтар, ақлли қиз воёга етибди.

**БАХТ ШУ ЭМАСМИ?**

Ҳанифа хола совчиликдан хурсанд қайтди, келин томонинг розилигини олибди.  
Тўйдан сўнг қайнотаси Аброрга шундай деди:  
— Ўғлим, биз вақтида илмнинг қадрига етолмадик. Энди бошқа иш ҳам қилолмаймиз. Сиз институтини имтиёзли диплом билан битирдингиз. «Оилали бўлдим, ишга қираман», — дебсиз. Йўқ, магистратурада ўқишингизни давом эттиринг. Кўп эмасангиз, оз ерсиз. Беш кунлик дунёда оила даврасида тинч-хотиржам нон ёйишга ҳеч нарса етмас экан.  
Аброр ўйланиб қолди. Пулдор бойвачаларнинг ҳам энг катта бойлиги тинчлик, хотиржамлик экан-да! Улар ҳам илми, ўқиганларни тан олар экан-да! Аброрда эса шундай катта бойлик — илм, тинчлик, уни тушунадиган оиласи бор. Зеро, бахт шу эмасми?  
Дарҳақиқат, донолар ёзганидек, чинакам бахтиёр бўлиш учун қуйидаги хислатлар лозим: илмдан орттирилган фазилат, ташқи кўринишдан топилган

ҳақиқат, ақл туфайли ҳосил қилинган феъл-атвор, молу мулкдан зиёда саломатлик. Очқўзлик занжирига бойланган бўйин пушаймонлик тиги билан кесиллади.  
Мана, орадан 10 йилдан ортиқ вақт ўтди. Аброр фалсафа фанлари номзоди бўлди, айни вақтда Раънони ҳам ўқитди. Оилада уч фарзанд камол топмоқда. Зиёли оиладаги тинчлик, аҳилликка маҳалладошларининг ҳаваси келади. Илми улуғлаш, унга интилиш, сабр-қаноат келтирган бахдан масрур Аброр «Биздан бадавлати йўқ, соғломмиз, тинчмиз, шу бизнинг бойлигимиз» деб бир ҳикматни айтиб берди.  
Диогендан бир одамнинг бойми ёки камбағаллигини сўрадилар.  
— Билмайман, — деб жавоб берибди Диоген. — Мен фақат унинг пули кўплигини биламан.  
— Демак, у бой экан-да!  
— Бой бўлиш ва кўп пулга эга бўлишнинг маъноси бошқа-бошқа, — жавоб берибди Диоген. — Бориға қаноат қилган одамгина чинакам бойдир. Ўзида бор нарсадан кўпроқ бойлик орттиришга ҳаракат қилган одам, оз бўлса-да, бориға қаноат қилган одамдан камбағалроқдир!  
Биз азиз оқшомхонларга маслаҳат бериш фикридан йироқмиз. Фақат юқоридаги ҳаётий воқеа — илм, сабр-қаноат орқали орттирилган бахт, аҳиллик билан давом этиб келаётган тинчлик-фаровонликдан ўзингиз ҳулоса чиқариб олангиз қиёва. Зеро, Бузургмехр ҳаким айтади:  
— Устозимдан: — Йигитликда нима қилиш яхшию, қарилқиди-чи? — деб сўрадим.  
Устозим айтди:  
— Йигитликда илм-хунар ўрганиш, қарилқиди эса уни сарф этишдир.  
Донолар ҳикмати бизларга сабоқ, бахт, тинчлик эса оилаларга ёр бўлаверсин.  
**Маҳмуда ВАЛИЕВА, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.**

**Спорт**

**Боксчилар беллашди**

Яқинда Наманган шаҳрида бокс бўйича вилоят ҳокими соврини учун халқроқ турнир бўлиб ўтди. Шуниси эътиборлики, ушбу турнирга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан 200 нафар чарм қўлпоқ усталари ташриф буюришди. Дарвоқе, Ҳиндистон, Малайзия, Сурия давлатларидан ҳам турнирга боксчиларнинг келганлиги қувонarli воқеа бўлди дейиш мумкин. Кескин курашларга бой, мурасииз кечган баҳсларда фолиб-ликка ўз вазн тоифаларида фарғоналик Отабек Мамажонов, ҳиндистонлик Амит Кумар, жиззахлик Абдуғаффор Умаров, қўқонлик Улуғбек Бўрибоев, пойтахт вилоятидан Жўрабек Набиев, бухоролик Ражаб Раҳматов, наманганлик Ноҳир Ғуломов, Нозим Азимовлар эришган бўлсалар, 91 килограммгача бўлган оғир вазнли боксчилар ўртасидаги курашда пойтахтимиз вакили Жасур Матқоновга тенг келадиганлар топилмади. Турнир фолиб ва совриндорларига совринлар ҳамда эсдалик совғалари тўхфа этилди.

**Таништирув маросими**

Матълумки, 2008 йилда Хитойнинг Пекин шаҳрида ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари ҳам иштирок этишади. Яқинда Пекин шаҳрида ана шу нуфузли турнирнинг рами туширилган махсус эмблеманинг расман таништирув маросими ўтказилди. Хитой парламенти, Халқаро Олимпия Қўмитаси аъзолари, таниқли кишилар, хоржий мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокида уюштирилган ушбу маросим кўнгилдагидек ўтди. Дарвоқе, одатлагидек, эмблемада бешта олимпия ҳалқаси Хитой ёзма манбаларида таъкидланган рақс тушаётган одамлар нигоҳида акс эттирилган.

**Мусобақалар қизгин паллада**

Республика «Маҳалла» жамгармаси, Халқ таълими вазирилиги ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлигида болалар, ўсмирлар ўртасида ташкиллаштирилган «Футболимиз келажиги» турнирининг вилоят, шаҳар боксчилари қизгин давом этмоқда. Шаҳримизда 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида давом этаётган «Футболимиз келажиги»нинг гуруҳ баҳслари муклисларда катта қизиқиш уйғотди. Унинг «А» ва «В» гуруҳларида қуйидаги натижалар қайд этилди. «А» гуруҳи — Акмал Икромов тумани — Шайхонтоҳур тумани 1:4, Яқкасарой тумани — Собир Раҳимов тумани 1:3. «В» гуруҳи — Ҳамза тумани — Юнусобод тумани 1:1, Мирзо Улуғбек — Миробод тумани 1:1.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Лекин бугун биз ёзнинг, жонларга ҳузур бағишловчи сувнинг ҳам ўзига яраша муаммо ва қонун-қоидалари борлигини эслайтиб ўтишни лозим топдик. Чунки ҳар йили ёзда, авжи одамлар мазза қилиб дам олиб, хордиқ чиқарадиган паллада кимингдир хонадонида озгина эътиборсизлик, лоқайдлик туфайли бахтсизлик руй бермоқда, ёш болалар ҳалок бўлмоқда.

Гап нимадалигини тушуниб етгандирсиз. Ҳа, жуда тўғри топдингиз. Жондан азиз болажонларимиз дуч келган ерда чўмилиб турли хил касалликларга, бахтсиз ҳодисаларга учрамоқдалар. Мана бу мисолларга бир эътибор беринг. 11 ёшли ўсмирга бепарво ота Чирчиқ анҳоридида чўмилишга руҳсат берди. Лекин у минг афсуски ўғли чўмилмоқчи бўлган ердан 10 метр нарида сув тўғони борлигини ҳисобга олмади. Оқибатда эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган болакайни кучли сув оқими ўз домига тортиб кетди. Ёки Арманистондан юртимизга меҳмон бўлиб келган йигит Анҳор канали четида туриб, қўлини ювмоқчи бўлди, лекин эҳтиётсизлиги оқибатида, мувозанатини сақлай олмай, сувга тушиб кетди. Дўстларининг ёрдам учун қилган ҳаракатлари ҳам самара бермади. 11 ёшли қизалоқ аравачада кичик укасини айлантрииб юрган эди. Бола-бола-да, ногаҳон ўртоқлари билан ўйинга чалғиб арава эсидан чиқиб кетган. Нишаб ерда турган арава эса юриб кетиб анҳорга қулаган. Тезда ёрдамга етиб келган ходимларимизнинг савй-ҳаракати билан бола сувдан олиб чиқилди, лекин кеч бўлганди. Анҳор ва канал атрофларидаги турар-жойларда яшовчиларга бу сабоқ бўлар деб ўйлаймиз.

Фаввораларда ҳар куни минг-мингга болажонларимизнинг шовинг-сурон билан чўмилётганларига кўзимиз тушади. Лекин фавворалар остида кучли сув босими борлигини, шу сабабли ёзда кан-

ча болажонлар бевақт ҳаётдан кўз юмаётганларини ўйлаб кўрмаймиз. Чўмилувчиларнинг жуда кўп бўлганлиги сабабли чўккан боладан тезда хабардор бўла олинмайди, бизни ёрдамга чақиришганда эса кеч бўлади. Яна бир гап. Ногаҳон дўстимиз билан кечки пайт кетаётги фавворада итини чўмилтираётган хонимни кўриб қолдик. Қанчалик тушунтирмайлик итнинг эгасига гап таъсир қилмади. Ахир фавворанинг сувида кундуз куни болалар чўмилади-ку. Тур-

Ахир инсон умри қанчалар азиз ва мўътабар. Фақат одамзодга бир мартагина берилдиган умр шаъмини нега бевақт учирлишимиз керак?..

Пойтахт шаҳримиз тобора чирой очиб, гулзор, боғу бўстонга айланиб бормоқда. Шу юрт фарзанди бўлган ҳар бир инсон яратиш, яшатиш иштиёқи билан банд. Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, хизматимиз жараёнида айрим нохуш ҳолларга ҳам кўзимиз тушади. Давлатимиз ҳар қандай шароитда ҳам инсон омили, фаровонлиги йўлида хизмат қилмоқдаки, қанчадан-қанча куч, маблағ эвазига кўчаларнинг озода, кўркан, асфальтланган бўлиши, ариқларда сувлар оқиб туриши учун ҳаракат қилмоқда. Лекин ўзимиз шундай лоқайдмизки, кўлимиздаги қоғозми, папирос кутисими, ҳар қандай ортиқча нарсаларни ариқларга, кўчаларга улоқтириб, хотиржамгина кетаверамиз. Ахир шу она-юрт ўзимизники-ку. Тараққий этган давлатларга борганимизда ҳавас билан қайтамыз. Кўчалари озода, гулзор, йўловчилари тартибли деб. Бизнинг қаеримиз кам улاردан? Жаннатмакон юртимизда ҳеч қайси жаҳонда топилмайдиган асалю новвогга бой боғларимиз, серқўёш осмонимиз, шириндан ширин оби-ҳаётимиз — сувимиз бор. Бизга озгина эътиборни, масъулиятли бўлиш этишмайди холос.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, азиз пойтахтлик ҳамшаҳарлар, ёз — мазза, лекин фарзандларимизга, вақти келса ўзимизга ҳам озгина талабчан, эътиборли бўлайлик, юз бериши мумкин бўлган турли бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олайлик. Ҳаётимиз давомчияри бўлмиш фарзандларимизнинг омон-эсон униб-ўсиб, соғлом ва бақувват вояга етишларига масъул бўлайлик.

**Тошкент шаҳар Фавкулдада вазиятлар бошқармаси матбуот хизмати.**

*Фурқаро муҳофазаси*

**БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК**

**Бугун ёзнинг авжи иссиқ кунлари, қуёшнинг оловли тафтидан соя-салқин жойларга ўзимизни урамыз. Сўлим ва оромбахш дам олиш масканларида мазза қилиб хордиқ чиқаришга нима етсин. Айниса, болажонлар, ёзги таътилни қизқарли, серзамун ва сервазқ ўтказишга интиладилар. Қуёш авжи қиздираётган кезларда жоннинг роҳати бўлган ҳовузлар ва каналлар томон ўзларини урадилар.**

ли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлмайди бу ҳолат.

Ёзда ҳар биримиз шог бағирларига, сўлим дам олиш масканларига хордиқ чиқаргани чиқамиз. Меҳнат қилиб чарчаган, иссиқ кунларда толиққан инсонларнинг дам олишига нима етсин. «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» деб бекорга айтилмаган. Лекин мана шундай оромбахш кунларни ўзи, оиласи учун азоб-уқубатга, бахтсизликка айлантрираётган бир оғу борки, у яхши ният билан бошланган ишни оғир кулфатга айлантрирмоқда. Жуда кўпчилик йигитларимиз, ҳатто айрим қизларимиз ҳам дам олишга бориб, спиртли ичимликларни истемол қилиб, сувга тушмоқдалар ва ўзларини бошқара олмай бахтсизликка йўлиқмоқдалар.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!**

Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамда Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан қуйидаги объектлар биржа савдоларига чиқарилмоқда.

№	Объектнинг номи	Манзили	Бино тури	Умумий майдони (кв.м.)	Бошланғич нархи, млн.сўм.
1	Савдо-маиший хизмат кўрсатиш блоклари (қурилиши тугалланмаган)	Фурқат кўчаси.	3-қаватли темирбетонли.	3000,0	250,0
2	“Нур” мажмуаси	Ҳ.Олимжон кўчаси	1-қаватли, гиштли.	1642,0	750,0
3	Офис маркази	Халқлар Дўстлиги шоҳқўчаси, 100-уй.	12-қаватли темирбетонли	8178,0	300,0
4	Савдо қаторлари (қурилиши тугалланмаган)	Ўзбекистон шоҳқўчаси (Д.Н.К — блоклари)	2-қаватли, каркас-панелли, ертўласи билан	4204,0	700,0
5	Ҳ.Олимжон майдони Пойтахт бизнес мажмуасининг гарбий томон.	Ҳ.Олимжон майдони.	2-қаватли каркас-панелли.	4982,0	2000,0
6	Маммурий бино (“ДЭУ” банк)	Пушкин кўчаси, 1-уй.	3-қаватли гиштли.	1400	400,0

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:  
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 210, 304-хоналар. Телефонлар: 133-46-13, 133-22-98.



**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

ҳатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (371) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма тираж, офсет усулида босилади. 4204 нусхада босилади. Қорғо бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Набр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан дўрбатта олинган

Наширн етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтабони»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шерк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқдаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.